

## Олий Таълим Тизимида Инновацион Технологиялардан Фойдаланиб Таълим Сифатини Ошириш

**Бойқўзиев Х. Х.**

Самарқанд давлат тиббиёт университети, гистология, цитология ва эмбриология кафедраси  
доценти

**Асадова Ф. Дж.**

Самарқанд давлат тиббиёт университети, гистология, цитология ва эмбриология кафедраси  
ассистенти

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим тизимида инновацион таълим усуллари таълим жараёнига тадбиқ этиб машғулот сифати ва самарадорлигини ошириш усуллари баён қилинган. Шу билан бирга таълим тизимида инновацион технологияларни қўллаш, талабаларга янги фикрлаш, илмий изланувчанлик, эркин ва соғлом тафаккур қобилиятини ўстириш, кадрларнинг педагогик маҳоратини ошириш асосида таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш каби сифатлар асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, инновацион усулар, таълим сифати.

Мамлакатимизда инновацион технологиялар барча йўналишларда қўлланилиши, давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва илмий йўналишларнинг тубдан ўзгаришга олиб келмоқда. Шу жумладан, таълим соҳасида ҳам илғор педагогик технологияларнинг қўлланилиши янги интерактив усулларни вужудга келтирди.

Бугунги кунда Олий таълим соҳасида тиббий биологик фанларни ўқитиш, таълим - тарбия бериш, билимлар даражасини инновацион технологияларга суянган ҳолда ташкил қилиш ва баҳолаш, тиббий биологик фанлар бўйича янги ўқув дастурларини яратиш, муҳим муаммолардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, таълим - тарбия тизимини ишлаб чиқишда, узлуксизлик, яхлитлик ва боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилган. Концепция негизи мактабгача таълим соҳасида ўзлаштирилган элементар таълим - тарбиядан бошлаб, олий таълим даражасигача бўлган жараённи қамраб олади. Бу жараён тарбияланувчиларга тайёргарлик, тафаккур, фикрга эгаллик қилиш, онг ва маданият каби сифатларни етказишни талаб қилади.

Таълим тизимида инновацион технологияларни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Инновацион технологияларни таълим тизимида тадбиқ этиш ва тиббий биологик фанларни ўқитишда уни янада такомиллаштириш машғулот самарадорлигини ва сифатини оширишда яқиндан ёрдам беради.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инновацион технологияларнинг таълим муассасаларига жорий этилиши, ҳар томонлама самарали ҳисобланади. Олий таълим тизимида бу технологияни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика

микёсидаги барча Олий таълим муассасалари инновацион технология воситалари билан яхши таъминланган.

Таълим тизимида инновацион технологияларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги чора - тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

1. Йилда бир мартда Олий ўқув юрти ичида ва Олий ўқув юртлари орасида энг яхши ишлаб чиқилган дастур бўйича инновацион технологияларини тайёрлаш ва қўллаш соҳасида, қайта тайёрлаш ва малакани оширишда танловларни ўтказиш таклиф этилади.
2. Олий ўқув юртлари ташкилий жараёнда, ўқув режаларни шакллантиришда, шунингдек ўқув-услубий базани мустаҳкамлашда бир-бирларига амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.
3. Энг яхши, инновацион технологияларларни ишлаб чиққан ва ўқув жараёнига татбиқ қилган Олий ўқув юрти профессор - ўқитувчиларини рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият эга.

Инновацион технологияларлардан фойдаланиш қуйидагиларга эришишга имкон беради:

1. Инновацион технологияларларидан фойдаланиб, тиббий биологик фанларни ўрганиш – талабаларда зарурий кўникмаларни хосил қилиш имкониятини беради. Талабаларни таълим субъекти сифатида фаоллаштиради.
2. Дастур асосида мулоқотли таълим олиш талабаларнинг тиббий биологик фанларга қизиқишини оширади;
3. Инновацион технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини жадаллаштиришга эришилади.
4. Инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиб қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:
  - ўқув материални ўзлаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги, материални мантиқий бўлимларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирини мос методика ёрдамида ўрганиш, тизимлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ва талабалар билимини текшириш;
  - талабалар томонидан ўқув материалларини чуқурроқ тушунишлари;
  - тиббий биология фанларини ўрганишни ижодий жараёнга айлантириш;
  - талабалар томонидан бажарилган мустақил ишларни назорат қилиш, баҳолаш ва сифатли бажарганларни рағбатлантириш;
  - ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув ахборот ҳажми ва ҳаракатини, талабалар билим даражаларини ривожланиши ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, таълимдаги аниқ вазибаларни белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида инновацион технологияларни қўллаш талабаларда янгича тафаккур, илмий изланувчанлик, эркин ва соғлом фикрлаш қобилиятини ўстириш, педагог кадрларнинг эса касбий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати ва компетентлигининг ривожланиши асосида, таълим - тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент. 1997 йил 29 август.
2. Авлиёкулов Н. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2008 йил.

3. Бойқўзиев Ҳ. Х., Бобожанова Ш.Ш., Дехқонова Н.Т., Джуракулов Б.И., Исмоилова Н.А. “Тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий биологик фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш”. Самарқанд 2019. 51 бет
4. Бобожанова Ш.Ш. Патология фанини ўқитишда интерфаол усулларни қўллаб машғулот самарадорлигини ошириш. Тошкент. 2016 йил.
5. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров Р. Инновацион технологиялар . Тошкент. 2007 йил.
6. Ишмухаммедов Р., Пардаев А., Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008 йил..
7. Махсудов С.Н. ва бошқалар . Тиббиёт таълимида инновацион технологияларнинг қўлланилиши . Тошкент. 2016 йил.
8. Рахимов Б. Педагогик технологиялар схемаларда. Тошкент. 2009 йил.
9. Саидахмедов Н., Абдурахимов С. Педагогик технологиялар, педагогик маҳорат. Тошкент. 2010 йил.
10. Толипов О., Усмонбоева М. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2005 йил.
11. Davronova A. B., Avazova G. A., Rakhmonova Kh. N., Mukhitdinova S. M. Development of professional self-education competence of future specialists with medical education. Journal of Universal Science Research, 1(12), 139–144.
12. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Бойкузиев Ҳ.Х. Организация образовательного процесса на младших курсах медицинского института. «Личностный подход в обучении и гуманизация учебно -воспитательного процесса» межвузский Республиканский сборник научных статей Стр. 29-31. Самарқанд 2013.
13. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Хамидова Ф.М. Преподавание морфологических дисциплин в медвузе сочетание традиционных и новых образовательных технологий. Материалы научно-практической конференции “Система повышения квалификации педагогических кадров в вузах Узбекистана: опыт, приоритеты и перспективы развития” 18 апрель 2018. С. 41-42.
14. Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д., Бойкузиев Ҳ.Х., Ҳамраев А.Х. Фундаментал фанларни ўқитишда горизантал ва вертикал интеграциянинг ахамияти. Сборник учебно-научнопрактической конференции “Общение с пациентом, проблемы обучения практических навыков и их решении при подготовке квалифицированных специалистов” 2018 Ташкент С. 397-398.
15. Орипов Ф.С., Дехканова Н.Т. Реализация принципов дидактики при модульной системе обучения. “Современное состояние, проблемы и перспективы медиуинского образования” международная учебно-научно-практическая конференция. Бухара 12 апреля 2018. С. 150.
16. Халимова Н.А. Ҳамраева Ю.М. Рахмонова Х.Н. Рахмонов Ф.З. Педагогическое общение в деятельности врача. Journal of Universal Science Research, 1(11), 305–315.